ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ 27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКПУЛАТОВ ИЛХОМ РУСТАМОВИЧ

НАНОЎЛЧАМЛИ МЕТАЛЛ СИЛИЦИД ПЛЁНКАЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИ

01.04.04 – Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УДК:537.533.7.8

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати нинг мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Бекпулатов Илхом Рустамович
Наноўлчамли металл силицид плёнкалар олиш ва уларнинг физик хоссалари …….. 3

Бекпулатов Илхом Рустамович
Получение наноразмерных плёнок силицидов металлов и их физические свойства ..……. 21

Bekpulatov Ilkhom Rustamovich
Obtaining nanodimensional metal silicide films and their physical properties ...…… 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ...…….. 45

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ 27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКПУЛАТОВ ИЛХОМ РУСТАМОВИЧ

НАНОЎЛЧАМЛИ МЕТАЛЛ СИЛИЦИД ПЛЁНКАЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИ

01.04.04 – Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM98 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (fti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Рисбаев Абдурашит Сарбаевич** физика-математика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Ашуров Хотам Бахранович** техника фанлари доктори, катта илмий ходим
	Эгамбердиев Бахром Эгамбердиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ва Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри Бодомзор йўли кўчаси 2-б уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91; E-mail: ftikans@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2 б-уй. Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-42-91.

Диссертация автореферати 2018 йил «____»_____ куни тарқатилди.
(2018 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Н.Р.Авезова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси т.ф.д., катта илмий ходим

О.А.Абдулхаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.н. (PhD)

А.Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда жадал ривожланаётган нанотехнологиялар сохасида истиқболли йўналишлардан бири наноўлчамли металл силицид плёнкалар ҳосил қилиш ва уларнинг физик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилаётган изланишлар ҳисобланади. Бу соҳада олиб борилаётган тадқиқот ишлари натижалари янги наноматериаллар, наностузилмалар яратилиши ва улар асосида янги авлод қурилмалари ва асбоблари ишлаб чиқарилишининг асосий омили ҳисобланади.

Яримўтказгичли силицидлар дунёнинг энг йирик илмий марказлари тадқиқот объектига айланган ва юқори термик стабиллик, кимёвий чидамлилик ҳамда кремний билан технологик мосликка эга бўлганлиги учун улардан термоэлектрик материаллар сифатида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган. Силицидлар асосидаги қурилмаларнинг ишлаши юпқа наноўлчамли плёнкаларда электронлар, фотонлар ва ток ўтиши таъсирида кузатиладиган электрон жараёнларга боғланган, шунинг учун наноўлчамли Ва ва ишқор элементлари силицид плёнкаларини ҳосил қилиш технологиясини яратиш, тузилиши, хоссаларини аниқлаш, улар асосида термоэлектрик ўзгартиргичлар ва бошқа функционал электроника асбобларини яратиш, физик электрониканинг **долзарб** муаммоларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида металл силицид плёнкаларни ҳосил қилиш ва хоссаларини ўрганиш соҳасида муайян натижаларга эришилган, жумладан: ТДТУ университетида $CaSi_2$, Mg_2Si_3 наноплёнкалари ва нанокристаллари олинган, уларнинг электрон тузилиши, оптик хусусиятлари ўрганилган; Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида кремнийнинг нанокукунлари олинган, уларнинг ўлчамлари ва тузилиши ўрганилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ замонавий илм-фан ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш ва шу аснода миллий маҳсулотларимизнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлилигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада металл силицид плёнкаларнинг электрофизик хоссаларини ўрганиш асбобсозлик сохасида, асбоблар учун янги материаллар яратилишига олиб келади. Жумладан, функционал электроника элементларини яратиш, импорт ўрнини босиш масаласи муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ–2772-сон «2017–2021 йилларда электроника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур

фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» ва II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтган асрнинг ўрталарида яримўтказгичли электроника яралиши билан ионли легирлашнинг яримўтказгичлар электрофизик хоссаларига таъсирини ўрганиш, *p-n-* ўтишлар ҳосил қилиш, диод, транзистор структураларга бағишланган илмий изланишлар сони кескин ошиб борди. Бу йўналишда хорижлик олимлар Ж.Майер, Лю Эриксон, Ж.Дэвис, Х.Рассел, И.Руге изланишлар олиб боришди. Россиялик олимлар Е.И.Зорин, П.В.Павлов, Д.И.Тетельбаум, А.Ф.Хохлов ҳамда мамлакатимиз олимларидан В.П.Чирва, Б.М.Абдураҳмонов ва бошқалар аҳамиятли натижаларни қўлга киритди.

Хозирги вақтда кремний юзасида юпқа плёнка структурали асбобларни яратиш йўналиши кескин ривожланмоқда. Айтиш мумкинки, «плёнка–таглик» системаси учун материалларни танлашда кристалл панжара параметрлари ва температуравий кенгайиш коэффицентлари яқин бўлган материаллардан фойдаланишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бунда, биринчидан, Si, $CoSi_2$, CaF_2 структуралар мослиги сабабли улар асосида кўп қатламли системалар яратиб, асбобли структуралар ҳосил қилиш мумкин; иккинчидан, ишқорли металлар фторидлари ва кобальт силицидларнинг физик хоссалари улар асосида ажойиб техник характерга эга асбоблар яратиш имконини беради. Адабиётларда Ca_3Si_4, CaSi, MnSi, Mn_3Si_4, $CrSi_2$, $ReSi_{1,75}$, Ru_2Si_3, CoSi, $CoSi_2$ силицидларни олиш ва уларнинг хоссалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бундай монокристалл силицид плёнкаларни ҳосил қилишга бўлган қизиқиш уларнинг яхши транспорт хоссалари билан юқори термоэлектрик самарадорлигига боғлиқ. Si(111), Si(100) юзаларидаги CoSi ва $CoSi_2$ силицид плёнкалари кристаллографик ва иссиқлик характери мослиги сабабли дунё олимлари эътиборини тортмоқда, лекин Ва ва ишқор элементлар силицидларини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар адабиётларда кам ёритилган. М.Нормуродов, А.Қосимов, А.Рисбаев, Б.Умирзаков, А.Ташатовлар томонидан Ва ҳамда ишқор элементлари ионли имплантациясининг Si, GaAs каби яримўтказгичлар эмиссион ва бошқа хоссаларига таъсири ўрганилган, лекин Ва ҳамда ишқор элементларини юпқа силицид плёнкаларда ҳосил қилиш технологияси деярли ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг Ф–2–31-сон «Наноўлчамли металлар силицид плёнкалари структураси ва физик

хоссаларини ўрганиш ҳамда термосезгир структуралар ҳосил қилиш (2012–2016)» ва ОТ–А3–56-сон «Олий марганец силициди пардаси асосида инфрақизил нурни термоэлектрик ўзгартириш ва иссиқлик нурини ўтаэффектив ҳолда совитилмай қайд этувчи приёмниклар яратиш (2017–2018)» лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Si монокристаллига кичик энергияда ва катта дозаларда ионлар имплантацияси ва кейинги термик ишлов бериш орқали юпқа наноўлчамли силицид металл плёнкаларни ҳосил қилиш, уларнинг таркиби, электрофизик хусусиятларини комплекс аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кремний кристалларига вакуумдан ташқари, юқори вакуум шароитида ишлов бериш ва яримўтказгичли кристаллар юзасини тозалаш учун янги усул ишлаб чиқиш;

Li^+, K^+, Na^+, Rb^+, Cs^+, Ba^+ ионларини 0,5÷5 кэВ энергия билан имплантациясини Si юза қатламларининг элементли ва кимёвий таркибига, кристалл ва электрон тузилишига таъсирини ўрганиш;

юқори сезгир расторли электрон микроскопия (РЭМ) ва кичик энергияли электронлар дифракцияси (КЭЭД) усуллари билан Ва ва ишқор элементлар имплантацияси ҳамда кейинги термик қиздириш таъсирида Si(111) ва Si(100) юза ҳолатлари ўзгаришини ўрганиш;

Li, K, Na, Rb, Cs, Ва юпқа монокристалл силицид плёнкаларни ҳосил қилишда ионли имплантация ва кейинги термик қиздиришларнинг оптимал технологик шартларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида солиштирма қаршилиги ρ=100÷3000 Ом·см бўлган Ва ва ишқор элементлари ионлари имплантация қилинган *p*- ва *n*- типли Si(111), Si(100) монокристалларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети Si(111) ва Si(100) монокристаллари юзасида Ва ва ишқор элементларини ионли имплантация қилиш орқали наноўлчамли силицид пленкаларнинг шаклланиш механизмлари ва физик хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кичик энергияли электронлар дифракцияси (КЭЭД), оже-электрон спектроскопия (ОЭС), характерли энергиясини йўқотган электронлар спектроскопия (ҲЭЙЭС), фотоэлектрон спектроскопия (ФЭС), расторли электрон микроскопия (РЭМ) каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кремний монокристалларининг юза қатламларига кичик энергияли (E_0=0,5÷5 кэВ) актив металл ионлари катта доза ($\geq 10^{16}$ $см^{-2}$) билан имплантация қилиш ва кейинги қисқа муддатли (1÷2 минут) T=1550 K температурада қиздиришга асосланган кремний юзасини юқори даражада тозалаш имконини берувчи усул ишлаб чиқилган;

кремний юза қатламларининг таркибига ва кристалл тузилишига кичик энергияли (0,5÷5 кэВ) Li^+, K^+, Na^+, Rb^+, Cs^+, Ba^+ ионлари имплантациясининг таъсири аниқланган;

Li, K, Na, Rb, Cs, Ba юпқа монокристалл силицид плёнкаларни ионли имплантация қилиш ва кейинги қиздириб тоблаш усули билан ҳосил қилишнинг оптимал технологик режимлари аниқланган;

силицид плёнкалар хусусиятларининг айниган яримўтказгичларга ўхшашлиги ҳамда электр ўтказувчанлигининг ҳароратга чизиқли боғлиқлиги кўрсатилган;

p- типли Si(111) монокристаллига 1,5 кэВ энергияда 10^{16}см$^{-2}$ доза билан B^+ ионларининг киритилиши Na атомларининг максимал кириш чуқурлигини 30% га камайтириши ва чегаравий ўтиш қатлами кенглигининг легирланишдан кейин ҳам, кейинги қиздирганда ҳам камайиши аниқланган;

юқори сезгирликка эга растрли электрон микроскопия усули билан кремнийда 10^{15} см$^{-2}$ доза билан Rb^+ ионларини имплантация қилиб, кейинги 600 К да қиздиргандан сўнг 10÷30 нм ўлчамли RbSi оролчаларга айланиши кўрсатилган, доза ошиши билан бу оролчалар йирик монокристалл оролчаларга айланиши ва дозани $6\cdot10^{16}$ см$^{-2}$ га ошириб ҳамда T=900 К гача қиздирилганда оролчалар чегараларининг бир-бирига қўшилиб яхлит рубидий силициди плёнкасининг ҳосил бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

яратилган яримўтказгичлар юзаларини тозалаш янги усули Si, GaAs ва бошқа яримўтказгич монокристалларининг тоза юзаларини олишда ҳам илмий тадқиқотларда ҳам ишлаб чиқариш технологик цикларда қўлланилиши мумкин;

RbSi–Si, LiSi–Si, NaSi–Si гетероструктурали ўтишларни диодли структураларда *p-n*- ўтишлар сифатида, BaSi–Si гетероструктурали ўтишни яримўтказгичларга контакт сифатида қўллаш мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган тажриба натижалари билан мос келиши, замонавий юқори сезгирликка эга диагностик усуллардан фойдаланилганлиги, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган кремний юзасини тозалашнинг янги усули қўлланилиши, тажрибаларнинг ўта юқори вакуум шароитида ўтказилганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган маълумотларнинг статистик таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар юпқа наноўлчамли силицид плёнкалар ҳосил қилиш механизмлари ва физик хоссалари тўғрисидаги тушунчаларнинг кенгайишига имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган яримўтказгичлар юзаларини вакуумда тозалашнинг янги усули тоза Si монокристаллини олишда ва улар асосида таёрланган электрон асбобларнинг сифатини оширишда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Олинган силицид плёнкалари кичик қаршиликга эга контакт, самарали термоэлектрик хоссаларга эга материал сифатида термогенератор, термобатареялар, иссиқлик нурланишини қабул қилгичлар, турли датчиклар

ва катта тезликда ишлайдиган микро- ва наноэлектрон асбобларнинг функционал элементлари сифатида ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Наноўлчамли металл силицид плёнкалар олиш ва уларнинг физик хоссаларини ўрганиш асосида:

кремний монокристалли юзасини тозалаш усули Россия Фанлар Академияси «Кристаллография ва фотоника» Федерал илмий-тадқиқот марказининг электронография лабораториясида Si(111) ва Si(100) монокристалларнинг атомли тоза ва юқори сифатли кристаллографик структурага эга юзасини олишда фойдаланилган (2018 йил 15 январдаги Россия Фанлар академияси №11205-4201-БВ сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш термоэлектрик материалларнинг параметрларини яхшилаш имконини берган;

кремний монокристаллининг юзасига ион имплантация қилиш ва кейинчалик термик қиздиришдан иборат янги тозалаш усули ва наноўлчамли металл силицид плёнкалар ҳосил қилиш технологияси Ф2–41 рақамли «Турли табиатли материаллар (металлар, яримўтказгичлар ва диэлектриклар)да ионлар имплантациясидаги кучланган қатламлар ва наноўлчамли тузилишлар ҳосил бўлиши, атомларни киритиш, сочилиш жараёларини назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш» фундаментал лойиҳасида электрон оже спектроскопия усули билан юзани қатлам ва қатлам Ar^+ ионлар билан чанглатиш ёрдамида атомларнинг чуқурлик бўйича концентрацион тақсимотини олишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 04.12.2017 йилдаги ФТА–02–11/1246-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш атомларнинг чуқурлик бўйича тақсимотларини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, 40 та расм ва 5 та жадвалдан иборат. Диссертация матни 112 бетда келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича амалга оширилган ишлар баҳоланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Металл силицид плёнкаларнинг структураси ва хоссалари тадқиқ этиш бўйича адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида кремний монокристалли юзасини вакуумда тозалаш усуллари, энг тоза кремний юзасига тегишли янги структуралар, монокристалл кремнийнинг структура ва электр хоссаларига ишқорий металл ионлари имплантациясининг таъсири, силицид плёнка ҳосил қилиш усуллари, уларнинг транспорт, термоэлектрик хоссаларини ўрганиш ва яримўтказгич силицидларни термоэлектрик ҳодисаларда амалий қўллаш бўйича адабиётлар маълумотлари берилган. Адабиётларда Ca_3Si_4, CaSi, MnSi, Mn_3Si_4, $CrSi_2$, $ReSi_{1,75}$, Ru_2Si_3, CoSi, $CoSi_2$ силицидларини олиш усуллари ва электрик хоссалари тўғрисида кўплаб экспериментал маълумотлар келтирилган бўлсада, Ва ҳамда ишқор элементлари силицидларини олиш ва уларни ўрганиш ҳақида адабиётларда деярли маълумот келтирилмаган. Боб якунида адабиётлар таҳлилидан келиб чиқадиган хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эксперимент техникаси ва методикаси**» деб номланган иккинчи бобида шиша ва металл экспериментал қурилмалар, қаттиқ жисм юзасига ишлов бериш методикаси ва диагностикаси ёритилган. Экспериментал қурилмаларда қуйидаги диагностик усуллар асосида тадқиқот ишлари олиб борилган: кичик энергияли электронлар дифракцияси (КЭЭД), оже-электрон спектроскопияси (ОЭС), эластик қайтган электронлар спектроскопияси (ЭҚЭС), характерли энергиясини йўқотган электронлар спектроскопияси (ХЭЙЭС), фотоэлектрон спектроскопия (ФЭС), растрли электрон микроскопия (РЭМ). Тажрибалар 10^{-7} Па вакуумда сферик геометрияга эга секинлаштирувчи майдонли анализаторли қурилмада, Франциянинг Riber фирмасида таёрланган LASS–2200 қурилмаси ва Голландиянинг FEI фирмасида ишлаб чиқарилган Titan 80–300 TEM/STEM юқори сезувчан растрли электрон микроскопида бажарилди. Кремний монокристалли юзаси ионли чанглатиш ва термик қиздириш йўли билан тозаланди. Термик қиздириш 2 босқичда: узоқ вақт давомида (1 соат) 1000 К, кейин қисқа вақт давомида (1 минут) 1500 К ҳароратда, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган янги тозалаш усули ёрдамида амалга оширилди. Янги тозалаш усули кремнийнинг юза қисмида Ва ёки ишқор элементлари ионларини кичик энергия (0,5÷1 кэВ гача) ва катта дозаларда (10^{16}÷10^{17}см$^{-2}$) имплантация йўли билан гетерли қатлам ҳосил қилиш, кейинги 1550 К да қиздириш йўли билан Si монокристалли юзасини O_2, C, S, Na ва бошқа

аралашма атомлардан тозалашдан иборат. Аралашма атомлари ва кремний атомлари киритилган ишқорий металл атомлари билан кимёвий боғланиш ҳосил қилиб, юқори температура таъсирида буғланиб кетади. Имплантация қилинаётган ионлар энергияси 0,5 дан 5 кэВ гача, дозаси 10^{13} дан $2\cdot10^{17}$см$^{-2}$ гача ўзгартирилди. Ион токининг зичлиги10^{-7}дан 10^{-5}А·см$^{-2}$ гача оралиқда ўзгартирилди.

Намуналар юзасининг кристалл тузилиши кичик энергияли электронлар дифракцияси (КЭЭД) ва юқори сезувчан растрли электрон микроскопия (РЭМ) усули билан ўрганилди. Ушбу бобда КЭЭД усулининг физик асослари, ҳосил бўлишининг электр схемаси ҳамда олинган дифракцион расмлар таҳлили бўйича маълумотлар келтирилган.

Намуналарнинг юза қатламлари элемент ва кимёвий таркиби ОЭС усулида аниқланди. Кремний юзасининг чиқиш иши контакт потенциаллар фарқи усули билан аниқланди. ОЭС усулининг сезувчанлиги 10^{11}ат.·см$^{-2}$, бирламчи электронлар энергиясининг сочилиши 0,1 эВ га тенг. Мазкур ишда қўлланилган диагностик усулларнинг хатоликлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Яримўтказгичли кристалл юзаларни тозалашнинг янги усулини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида Si ва GaAs монокристалларининг вакуумли тозалаш давомида элемент таркиби, кристаллик тузилиши экспериментал таҳлил қилинган. Замонавий технологиялар асосида электрон асбоблар ишлаб чиқарилганда кремний юзасининг юқори даражада тоза бўлиши талаб этилади, чунки «силицид – кремний» ўтиш қатламининг ҳолати ва қалинлиги улар асосида ҳосил қилинган асбобларнинг характеристикасига кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун кремний юзасини тозалашнинг янги усули ишлаб чиқилди. Айтиш мумкинки, кристалларни тозалаш усуллари ичида энг соддаси ўта юқори вакуум шароитида юқори температурали қиздириш ҳисобланади. Кристалл юзаларининг ифлосланишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади: атроф-муҳит ёки кристаллга дастлабки ишлов бериш жараёнидаги муҳит ва кристаллнинг ўзи, чунки унинг ҳажмидан аралашма атомларнинг диффузия йўли билан юза қисмларида жойлашиши мумкин.

1-расмда Si(111) юзасидаги (C, O, S, Na) аралашма атомларининг оже-пик интенсивлиги, кремнийнинг юқори вакуумда қиздириш температурасига боғланиши кўрсатилган. Кўриниб турибдики, килород (O) ва углерод (C) атомлари асосий аралашма атомлари ҳисобланади. Кремнийни O дан тозалаш учун 1030 К, углероддан тозалаш учун 1420 К температура талаб этилади.

Яримўтказгичли кристалларнинг юзаларини тозалашда кузатилган юзавий атом структуралар 1-жадвалда келтирилган.

Ўтказилган тажрибалар натижасига кўра кристалл юзасини эриш температурасидан паст температураларда қиздириб тозалаш аралашма атомларининг намуна ҳажмида қайта тақсимланишига олиб келади, улар намуна юзасига чиқиб мустаҳкам боғланишлар ҳосил қилиши мумкин.



S (150 эВ), C (272 эВ), O (508 эВ)

1-расм. Si(111) юзасидаги (C, O, S) аралашма атомларининг оже-пик интенсивлиги, кремнийнинг юқори вакуумда қиздириш температурасига боғланиши: S (150 эВ), C (272 эВ)ва O (508 эВ)

1-жадвал

Яримўтказгичли кристалларнинг юзаларини тозалашда кузатилган юзавий атом структуралар

Si(100)	(1x1)	900 K да термик тозалаш	InP (100)	(1x1)	Вакуумда 800 K да қиздириш
	(2x2)	Вакуумда икки босқичли юқори температурали тозалаш: узоқ вақт 1000 K ва қисқа вақт 1500 K			Ионли чанглатиш, 700 K да қиздириш
Si(100)	(2x1)	Вакуумда скол		(1x4)	Ионли чанглатиш, 700 K да қиздириш ва тез совитиш
Si(111)	(2x1)	Вакуумда скол	GaAs (110)	(1x1)	Вакуумда раскол
Si(111)	(7x7)	Юқори вакуум шароитида икки босқичда қиздириш: узоқ муддат 1000 K ва қисқа вақт 1500 K	GaAs (111)	(1x1)	Вакуумда 600 K да қиздириш
GaAs(100) ва $Ga_{1-x}In_xAs$	(1x1)	600 K да паст температурали қиздириш			Ионли чанглатиш, 500 K да қиздириш
	(8x2)	Вакуумда 900 K да қиздириш		(2x2)	Вакуумда 800 K да қиздириш

Ионли чанглатиш самарали тозалаш усули ҳисобланади, аммо кристалл юзасининг бузилишига олиб келади, шунинг учун яримўтказгич кристаллар юзасини тозалашнинг янги усули ишлаб чиқиш ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Қўйилган мақсад қуйидагича ечилади, дастлабки икки босқичли термик қиздириш йўли билан тозаланган Si(111) ва Si(100) юза қатламларида Ва ва ишқор элементлари ионлари билан, энергияси 0,5÷1 кэВ ва $D \approx 10^{16} \div 10^{17}$ см$^{-2}$ дозада имплантация қилиниб гетерли қатлам ҳосил қилинади. Гетерли

қатламдаги юқори концентрацияли Ва ва ишқор элементлари кремний ҳамда бошқа аралашма атомлари (O, Na, S, C) билан кимёвий боғланиб, 1550 К температурада 1÷2 дақиқа қиздирилганда кремнийнинг юза қатламларида буғланиб кетади.



2-расм. Si(111) юзаси учун оже-спектрлар берилган. (1-спектр)да термик ишлов берилмаган Si(111) юзаси учун оже-спектр берилган; (2-спектр)да икки босқичда, узоқ вақт (1 соат) 1000 К ва қисқа (0,5÷1 дақиқа) вақт давомида 1500 К да қиздирилган кремний юзаси учун ва (3-спектр)да Ba^+ ионлари билан E_0=1 кэВ энергия билан D=10^{17} $см^{-2}$ дозада имплантация қилинган ва 1550 К да қиздирилган кремний юзаси учун оже-спектрлар берилган



D, $см^{-2}$: 0-спектр 1; $5\cdot10^{13}$ -2; $5\cdot10^{14}$ -3; $5\cdot10^{15}$ -4; 10^{16} -5; $8\cdot10^{16}$ -6; $2\cdot10^{17}$ -7

3-расм. Кремнийга Rb^+ ионлари E_0=1 кэВ энергияда ва турли дозаларда киритилганда оже-спектрларнинг ўзгариши келтирилган

2-расмда термик ишлов берилмаган Si(111) юзаси учун оже-спектр (1-спектр) берилган; (2-спектрда) 10^{-7} Па вакуум шароитида икки босқичда, узоқ (1 соат) 1000 К ва қисқа (0,5÷1 дақиқа) вақт давомида 1500 К да қиздирилган кремний юзаси учун ва (3-спектрда) биз таклиф қилган усул билан тозаланган кремний юзаси учун оже-спектрлар берилган.

Тадқиқот жараёнида таклиф этилган тозалаш усули дастлабки икки босқичда термик тозаланган кремнийга Ва ёки ишқор элементлари ионлари E_0=1 кэВ энергияда ва $10^{16}\div10^{17}$ $см^{-2}$ дозада имплантация қилиниб, кейинчалик 1550 К да 1÷2 дақиқа давомида қиздиришдан иборат. 3-спектрдан кўриш мумкинки, таклиф қилинган тозалаш усули кремний юзасидаги барча аралашма атомлари йўқолишига олиб келади. Ва ва ишқор элементларини 0,5÷5 кэВ энергия билан имплантация қилиш давомида Si(111) ва Si(100) намуналарнинг юза кристалл тузилиши ўрганилганда қуйидаги фактлар аниқланди: ионлар дозаси оширилиб борилганда маълум бир дозадан бошлаб кремний юзаси тўлиқ аморфлашади, бундан ташқари кремнийнинг аморфлашиш дозаси ионларнинг энергияси ошиши билан камаяди. 3-расмда (1-спектр) тоза кремний учун (2–7-спектр)ларда кремнийга турли дозада Rb^+ ионлари билан имплантация қилинган оже-спектрлар келтирилган. Расмдан кўриниш мумкинки, Rb^+ ионлари $D\leq5\cdot10^{13}$ $см^{-2}$ дозадан кичик дозада имплантация қилиниши $Si_{L_{2,3}VV}$ 92 эВ даги оже-пик интенсивлиги камайишига олиб келади, лекин имплантация қилинган ионларнинг оже-пиклари кўринмайди. Бу эса ионлар кичик доза билан имплантация қилинганда намунанинг чуқур қатламларига кириб кичик энергияли оже-электронлар чиқиш зонасидан анча катта чуқурликда жойлашишини билдиради. Кейинчалик ионлар дозаси оширилганда E=55,5 эВ $M_5N_1N_{2,3}$ оже-ўтиш билан боғланган Rb пики ҳосил бўлиши кузатилади, $Si_{L_{2,3}VV}$ кремнийнинг пики кескин кичраяди. Ионлар дозаси $4\cdot10^{15}$ $см^{-2}$ дан бошлаб $Si_{L_{2,3}VV}$ пик шакли ўзгаради, E=93 эВ да кичкина пик ажрала бошлайди. Rb^+ ионларнинг дозаси яна ҳам оширилганда $Si_{L_{2,3}VV}$ пик синглент шаклдан дуплет шаклига ўтади. $Si_{L_{2,3}VV}$ оже-пик шаклининг бундай ўзгариши кремнийнинг sp^3-электронлари билан рубидийнинг s ва d электронлари ўзаро таъсирлашиб, кимёвий боғланиш ҳосил қилишини билдиради. Намунада ҳосил бўлган кимёвий боғланиш тури ва миқдорий, кимёвий таркибини аниқлаш учун намуналарнинг ионли емирилиш давомида ОЭС усули билан ўрганилди.

Ион имплантация қилинган кремнийда атомларнинг концентрацияси қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C_X = \left(\sum_{i=1}^{n} \frac{N_i^0 \cdot I_i \cdot S_X \cdot \lambda_i^0 \cdot (1+r_i^0)}{N_X^0 \cdot I_X \cdot S_i \cdot \lambda_X^0 \cdot (1+r_X^0)} \right)^{-1} \qquad (1)$$

бу ерда S_x ва S_i – номаълум ва маълум концентрацияга эга бўлган элементларнинг оже сезгирлик коэффициентлари. N – атом зичлиги, r – қайтиш коэффициенти, λ – оже-электронларнинг чиқиш чуқурлиги.

Элементли оже сезгирлилик коэффициентларини ҳисоблаш мавжуд бўлган формулалар ёрдамида ва Si юзасига металл плёнкаларни ўстириш давомида экспериментал даражалаш, графиклар чизиш орқали аниқланади.
4-расмда ион имплантация қилинган кремнийдаги Rb атомларининг чуқурлик бўйича концентрацион профиллари келтирилган. Шунга ўхшаш



D, см$^{-2}$: $1\cdot10^{13}$ (1-эгри чизиқ); $1\cdot10^{14}$ (2); $1\cdot10^{15}$ (3); $5\cdot10^{15}$ (4), $1\cdot10^{16}$ (5) ва $6\cdot10^{16}$ (6)

4-расм. E_0=1 кэВ энергия билан турли дозада имплантация қилинган Rb, атомларнинг Si(111)да чуқурлик бўйича тақсимланиши

натижалар кремнийга ишқор элементлар ионлари киритилганда ҳам олинган. Бунда оже-спектрларда катта дозали ионлар киритилганда 90÷97 эВ чегарасида дуплет оже пики ҳосил бўлиши аниқланди. Шундай қилиб, олинган экспериментал ОЭС натижалари ва КЭЭД расмларида ҳосил бўлган янги структуралар қуйидагича хулоса қилишга асос бўлди: Ва ва ишқор элементларини катта дозада >10^{16} см$^{-2}$ ва кейинги қисқа вақт ичида термик қиздириш кремнийнинг юза қатламларида юпқа наноўлчамли силицид плёнкалар ҳосил бўлишига олиб келади.

Si(111) ва Si(100) энергияси E_0=0,5÷5 кэВ Ba^+ ва ишқор элементлар ионларини киритиш вақтида, юзани кристаллик структурасини КЭЭД усули билан кузатиш давомида маълум бир дозадан D_a бошлаб кремний юзаси тўла аморфланиши аниқланди. Берилган ионлар тури учун D_a критик дозанинг қиймати ионлар энергияси ошиши билан камайиши кузатилди. 2-жадвалда турли энергия билан Li^+, Na^+, K^+, Rb^+, Cs^+ ва Ba^+ ионлари имплантация қилинган Si(111) юзасининг аморфлашиш дозаси келтирилган.

2-жадвал.

Si(111) ва Si(100) юзалари аморфлашиш дозасининг минимал қийматлари

Ионлар энергияси E_0, эВ	Si(111) ва Si(100) кристалларининг аморфлашиш дозалари, D_a, x10^{15} см$^{-2}$					
	Li^+	Na^+	K^+	Rb^+	Cs^+	Ba^+
500	10/ 12	7 / 9	6 / 8	6 / 8	4 / 6	4 / 5
1000	7 / 8	5 / 7	5 / 7	5 / 7	2 / 4	1 / 3
2000	5 / 7	3 / 5	3 / 4	4 / 3	1 / 2	0,7 / 1
3000	3 / 5	1 / 3	0,8 / 2	0,7 / 1	0,6 / 1	0,6 / 0,9
4000	1 / 1,5	0,8 / 1,2	0,9 / 1,2	0,5 / 0,8	0,4 / 0,5	0,3 / 0,6
5000	0,5 / 1	0,3 / 0,6	0,2 / 0,4	0,1 / 0,2	0,09/0,1	0,08/0,1

2-жадвалдан кўриниб турибдики, енгил ионлар учун минимал аморфлашиш дозаси D_a оғир ионларга нисбатан каттароқ қийматларга эга ҳамда барча ионлар учун Si(100) нинг аморфлашиш дозаси Si(111) дан каттароқ бўлади. Бунда, биринчидан, Si юзаси оғир ионлар билан имплантация қилинганда нуқсонлар ҳосил бўлиш самарадорлиги ошади, чунки ионларнинг Si атомлари билан тўқнашиши жараёнида атомларга каттароқ энергия берилади; иккинчидан, кремнийнинг (100) йўналишида (111) йўналишига нисбатан атомларнинг жойлашиш зичлиги анча кичик бўлади.

Диссертациянинг «**Кичик энергияли ионлар имплантацияси усули билан Si(111) ва Si(100) юзасида наноўлчамли силицид плёнкаларни ҳосил қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида кичик энергияли ва катта дозали Ва ҳамда ишқор элементлар Si(111) ва Si(100) намуналарига имплантация қилиб наноўлчамли металл силицид плёнкаларни ҳосил бўлиш жараёнини ўрганишда олинган натижалар келтирилган. Ишқор элементлари (Li, Na, K, Rb ва Cs) билан имплантация қилинган Si юзасини қиздириш таъсирида турли юзавий структуралар ҳосил бўлиши аниқланди. 5-а-г расмларда ионли имплантация қилиниб, кейинчалик 600, 800, 500, 900 К да қиздирилгандан кейин ҳосил бўлган қуйидаги структуралар кўрсатилган: Si(111)-4x4Li -а, Si(111)-2x2Rb -б, Si(111)-4x4Cs -в, Si(111)-4x4Na -г;



Si(111)-4x4 -а; Si(111)–2x2 -б; Si(111)–4x4 -в; Si(111)–4x4 -г

5-расм. Si(111) юзасига Li^+, Rb^+, Cs^+, Na^+ ионлари имплантациясидан ҳосил бўлган плёнкаларнинг (КЭЭД) расмлари

Si(111)-4x4Li дифракцион расмда асосий рефлекслардан ташқари иккиламчи рефлекслар, дублетлар ҳам кузатилади. Дублетларнинг пайдо бўлиши кремний юзасида Li плёнкаси домен характерга эга эканлигини билдиради. Иккиламчи ва касрли рефлекслар Si(111)-4x4Cs (КЭЭД) расмида ҳам кузатилади. Бунда қўшимча рефлексларнинг 3 тури кузатилади, улар ҳосил бўлган фаседкаларнинг 3 та юза билан чегараланганлигини билдиради. Бирламчи электронлар энергияси E_p оширилганда (00) ёки икки ўлчамли рефлексдан ҳосил бўлган қўшимча рефлекслар (10) йўналишига силжиши фаседкалар (110) типли юзаларда ҳосил бўлишини билдиради. 6-а-г расмларда 1 кэВ энергияли Na^+, Rb^+, K^+ ва Cs^+ ионлар билан имплантация қилинган Si(100) намуналарни қиздирганда қуйидаги юзавий структуралар ҳосил бўлиши аниқланди: Si(100)-4x4Na -а; Si(100)-2x4Rb -б; Si(100)-2x1K -в; Si(100)-2x8Cs -г. Бундан ташқари Si(100)-2x2Ba; Si(100)-1x1Ba; Si(100)-2x2Li структуралар ҳам ҳосил бўлиши кузатилди.

Si юза қатламлари электрон ҳолати таҳлил қилинганда Rb ва ишқор элементлар имплантация қилинганда аморфлашиш дозасидан ошгандан кейин Si ва киритилган аралашма атомлар орасида ионли даста ҳисобидан кимёвий боғланиш ҳосил бўлади, яъни ионлар билан стимуллаштирилган кимёвий синтез жараёни кузатилади, Rb ва ишқор элементлар имплантация давомида кремний юзаси морфологиясини Titan80-300 TEM/STEM микроскопида растор электрон микроскопия усули билан ўрганилди.

7-расмда Rb силицид плёнкани турли даражада ҳосил бўлиш жараёнининг электрон микроскопик тасвирлари кўрсатилган. Rb^+ ионларини 10^{15}см$^{-2}$ доза билан имплантация қилиб кейинги 600 К да қиздирганда кичик алоҳида жойлашган, ўлчами 10÷30 нм гача бўлган силицид рубидий оролчалари ҳосил бўлади (7-а расм).



Na–Si(100)-4x4 -а; Rb–Si(100)-2x4 -б; K–Si(100)-2x1 -в; Cs–Si(100)-2x8 -г.

6-расм. Si(100) юзасида Na^+, Rb^+, K^+, Cs^+ ионлари имплантациясидан ҳосил бўлган плёнкаларнинг (КЭЭД) расмлари



(а, б) – рубидий силицид структураларнинг шаклланиши, (г) – оролчаларнинг қўшилиб силицид плёнкаларнинг ҳосил бўлиши

7-расм. Рубидий силицид плёнкани хар-хил даражада ҳосил бўлиш жараёнининг электрон микроскопик тасвирлари

Ионларнинг дозаси ошиши билан бу оролчалар катталашиб, 30÷100 нм гача ўлчамли овал шаклидаги оролчаларга айланади. Оролчаларнинг аниқ чегарага эга эканлиги уларнинг монокристалл структуралигини билдиради, лекин катта оролчалар орасида чегараланмаган аморф структурага эга бўлган кичик оролчалар ҳам кузатилади. $6\cdot10^{16}$см$^{-2}$ доза билан имплантация қилиниб, 900 К да қиздирилгач, оролчалар бирлашиб, кремний юзасида яхлит силицид Rb плёнкаси шаклланишига олиб келади.

Шунга ўхшаш натижалар кремнийга ишқор элементлар киритилганда ҳам кузатилади. Кремнийга киритилган ионларнинг кимёвий ҳолатини ўрганиш учун ион имплантация қилинган кремний юзаси ОЭС усули билан ўрганилди.

3-жадвалда наноўлчамли силицид плёнкаларни ҳосил қилишда аниқланган оптимал технологик режимлар келтирилган.

3-жадвал

Наноўлчамли Ва ва ишқор элементлар силицид плёнкаларни ҳосил қилишнинг оптимал режимлари

Силицид турлари / Параметрлари	LiSi	NaSi	KSi	RbSi	CsSi	BaSi
Si	111	100 111	100	100 111	100 111	100 111
Ионлар энергияси, кэВ	0,5-5	0,5-5	0,5-5	0,5-5	0,5-5	0,5-5
Температура, К	900-1000	600-700	800-850	800-850	500-600	800-900
Силицид қалинлиги, Å	50-110	45-100	35-95	30-90	40-90	35-85
Юзавий структураси	4x4	4x4 1x1	2x1	2x4 2x2	2x8 2x2	2x2 1x1
Электрон энергияси, E_P, эВ	42	35 43	49	35 42	39 30	38 43
Структуравий қайта тикланиш температураси, К	1400	1100	1200	1200	1000	1300

Эслатма*: ионларнинг дозаси $D>10^{16}$см$^{-2}$ дан катта бўлган.

Ион имплантация қилиб кейинчалик қиздириш натижасида Si юза қатламларида қуйидаги силицид плёнкалар LiSi, KSi, RbSi, CsSi, NaSi и BaSi ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган силицид плёнкалар қалинлиги экспериментал ўлчанганда қуйидагилар маълум бўлди: силицид плёнкалар қалинлиги ионлар энергияси ошиши билан ошади ва ионлар энергияси ўзгармаган ҳолда, қалинлиги доза ошиши билан $D^{1/2}$ боғланиш бўйича ошади. Шундай қилиб, бу ишда Ва ва ишқор элементлар силицидлари ҳосил бўлиш кинетикаси ўрганилди. Силицид плёнкаларнинг ҳосил бўлиш оптимал шароитлари ва уларнинг параметрларига таъсир қиладиган асосий факторлар аниқланди. *n*-тип Si(111) юзасининг солиштирма электр ўтказувчанлигига E_0=1 кэВ энергия ва турли доза билан Ва, Na ва Li ионлари имплантацияси таъсири ҳам ўрганилди. Ионлар турига фарқсиз $8\cdot10^{14}$ см$^{-2}$ дозагача имплантацияси кремнийнинг σ солиштирма электр ўтказувчанлигига деярли таъсир қилмайди (8-расм). Бизни фикримизча имплантация бошланганида ионлар катта чуқурликка каналлаш эффекти ёрдамида кириб, юзавий электр ўтказувчанликка ўзининг улушини қўшмайди. Лекин каттароқ дозаларда Si(111) юза қатламлари кучли тартибсизланади ва натижада юзавий электр ўтказувчанликнинг камайишига олиб келади, σ нинг камайиши эса донорли сатҳлар концентрациясини ошириш орқали σ нинг ўсишини компенсациялайди. Бу механизмнинг тўғрилигини 8-расмдаги дозавий боғланишлардан ҳосил бўлган минимумлар исботлайди. Кейинчалик ионлар дозасининг ошиши σ нинг $D=10^{17}$см$^{-2}$ дозагача кескин ошишига олиб келади.

9-расмда Li^+, Na^+ ва Ba^+ 1 кэВ энергия ва $2\cdot10^{17}$ см$^{-2}$ доза билан имплантация қилинган Si(111) юзаси солиштирма электр ўтказувчанлигининг қиздириш температурасига боғлиқлиги келтирилган.

Графикдан ҳам кўриш мумкинки, кристалланиш бошланиш температурасидан $T_{кр}$ солиштирма электр ўтказувчанлиги σ кескин ошиб бошлайди.



8-расм. Si(111) юзасининг солиштирма электр ўтказувчанлиги σ, E_0=1 кэВ энергия билан (Li^+, Na^+ ва Ba^+) ионлари имплантация қилинганда дозасига боғлиқлиги



ионлари билан имплантация қилинган намуналар солиштирма электр ўтказувчанлигининг қиздириш температурасига боғланиш графиги

Натижаларга асосланиб айтиш мумкинки, $T=T_{кр}$ бўлганда LiSi, NaSi, BaSi наноўлчамли плёнкалар ҳосил бўлади.

Температура T_p дан катта бўлганда ($T>T_p$) силицид плёнкалар бузилади ва σ камаяди. Қатлам ва қатлам ости оже-таҳлилларга кўра ионлар энергияси E_0=1 кэВ бўлганда силицид плёнкалар қалинлиги 5÷6 нм (ёки 50÷60 Å) бўлади. Силицид плёнкалар $T_{кр}$ температурадан 300 К хона температурасигача совитилганда уларнинг солиштирма электр ўтказувчанлиги чизиқли камаяди ва бундай ҳодиса айниган яримўтказгичларда кузатилади.

ХУЛОСА

1. Яримўтказгичли кристалл юзаларни тозалаш учун янги усул ишлаб чиқилди. Кремний юза қатламларига Ва ва ишқор элементлар кичик энергия ҳамда катта дозада имплантация қилиниб, гетерли қатлам ҳосил қилинади, Ва ва ишқор элементлар кремний ҳамда аралашма O, C, S атомлари билан кимёвий боғланиб, 1550 К да 1÷2 дақиқа қиздирилганда гетерли қатлам парланиб кетади ва тоза кремний юзасини ҳосил қилади.

2. Тоза кремний юзаси силлиқ микрорельефга эгалиги аниқланди. Ионлар имплантация қилинганда нуқсонлар ҳосил бўлганлиги учун юза рельефи ўзгаради. Кичик дозаларда $D\leq5\cdot10^{14}$ $см^{-2}$ алоҳида молекуляр кластер-комплекслар ҳосил бўлади, доза ошиши билан кластерлар сони ошиб, $D\geq5\cdot10^{15}$ $см^{-2}$ да бирлашиб кремний юзаси тўла аморфлашади. Li^+, Na^+, K^+, Rb^+, Cs^+ ва Ba^+ ионлари хар-хил энергия билан имплантация қилинганда Si(111) ва Si(100) юзалари аморфланишининг критик дозалари аниқланди.

3. Ва ва ишқор элементлар катта доза ($10^{16}\div10^{17}$см$^{-2}$) билан имплантация қилинганда қисман металл силицид боғланишнинг ҳосил бўлишига олиб келиши ва кейинчалик қиздирилганда Li, Na, K, Rb,Cs ва Ва моносилицид плёнкалар ҳосил бўлиши кўрсатилди.

4. $5\cdot10^{15}$ см$^{-2}$ доза билан имплантация қилинганда атомларнинг чуқурлик бўйича тақсимланиши Гаусс тақсимотига яқин бўлиши ва доза ошиши билан тақсимот максимуми юзага силжиши биринчи марта аниқланди. Юқори дозаларда ~ $2\cdot10^{17}$ см$^{-2}$ тақсимот максимуми айнан юзадан бошланади.

5. *p*- типли Si(111) монокристаллига дастлабки B^+ ионларининг киритилиши Na атомларининг максимал кириш чуқурлиги 30% га камайиши ва чегаравий ўтиш қатлам кенглигини лигерланишдан кейин ҳам, кейинчалик қиздирганда ҳам камайиши кўрсатилди.

6. Na^+, Rb^+, Cs^+, Li^+, K^+ ионлари E_0=1 кэВ катта доза билан Si(111)га имплантация қилиниб, кейинчалик қисқа муддатда 600, 800, 500, 900 К қиздирилганда юза қисмда қуйидаги тузилишга эга бўлган: Si(111)-4x4Na, Si(111)-2x2Rb, Si(111)-4x4Cs, Si(111)-4x4Li ва шу ионлар Si(100)га имплантация қилиниб, кейинчалик қисқа вақтга қиздирилганда қуйидаги юза тузилишга эга бўлган: Si(100)-4x4Na, Si(100)-2x4Rb, Si(100)-2x1K, Si(100)-2x8Cs силицид плёнкалар ҳосил бўлиши кўрсатилди.

7. Юқори сезувчан РЭМ усули билан 10^{15} см$^{-2}$ доза билан Rb^+ ионлари имплантация қилинганда кремний юза қатламларида алоҳида кичик рубидий-силицид 10÷30 нм ўлчамли оролчалар ҳосил бўлади. Доза ошиши билан улар ўзаро қўшилиб, ўлчами 30÷100 нм доиравий шаклли монокристалл структурага эга оролчаларга айланиши биринчи марта аниқланди. Доза $6\cdot10^{16}$ см$^{-2}$ ва қиздириш температураси T=900 К бўлганда оролчалар бирлашиб, яхлит рубидий-силицид плёнкасининг ҳосил бўлишига олиб келади.

8. Ва ва ишқор элементлар наноўлчамли силицид плёнкалар ҳосил бўлиши учун оптимал режимлар илк бор аниқланди. Металл-силицид плёнкаларнинг қалинлиги ионлар энергияси ошиши билан чизиқли ортиши ва ўзгармас энергияда доза ошиши билан $D^{1/2}$ қонуният бўйича ортиши кўрсатилди.

9. Ba^+, Na^+ ва Li^+ ионлари E_0=1 кэВ энергия билан D=$8\cdot10^{14}$ см$^{-2}$ дозагача имплантация қилиниши *n*- тип Si(111) юзаси солиштирма электр ўтказувчанлигининг ўзгаришига олиб келмаслиги, ионлар дозасининг яна ҳам ортиши σ нинг кескин ошишига олиб келиши ва (D=10^{17}см$^{-2}$) бўлганда σ нинг қиймати тўйиниши аниқланди.

10. Ион имплантация қилинган намуналарнинг электр ўтказувчанлиги температурага боғланишида σ(T) кескин эгилиши кристаллаш температурасида $T_{кр}$ кузатилиб, BaSi, LiSi, NaSi наноўлчамли силицидлар ҳосил бўлишига мос келади. Силицид плёнкаларнинг электр ўтказувчанлиги температурага уйғонган яримўтказгичларга ўхшаб силицид плёнканинг бузилиш температура T_p=1050÷1250 К гача чизиқли эканлиги аниқланди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ 27.06.2017. FM./T.34.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ, ИНСТИТУТЕ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

БЕКПУЛАТОВ ИЛХОМ РУСТАМОВИЧ

ПОЛУЧЕНИЕ НАНОРАЗМЕРНЫХ ПЛЁНОК СИЛИЦИДОВ МЕТАЛЛОВ И ИХ ФИЗИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА

01.04.04 – Физическая электроника

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.2.PhD/FM98.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (fti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Рисбаев Абдурашит Сарбаевич** доктор физико-математических наук
Официальные оппоненты:	**Ашуров Хотам Бахронович** доктор технических наук, с.н.с.
	Эгамбердиев Бахром Эгамбердиевич доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «_ _» _____ 2018 года в __ __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 при Физико-техническом институте АН РУз. Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Бодомзор йули, дом 2 б. Административное здание Физико-технического института, зал конференций. Тел./Факс: (+99871) 235-42-91; E-mail: ftikans@uzsci.net.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Физико-технического института (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Бодомзор йули, дом 2 б. Тел./Факс: (+99871) 235-42-91.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 г.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_ _» _____ 2018 г.)

Н.Р. Авезова
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., старший научный сотрудник

О.А. Абдулхаев
ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.(PhD) ф.-м.н.

А.Абдурахмонов
председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире интенсивно развивается область нанотехнологий, одним из перспективных направлений которого является получение наноразмерных пленок силицидов металлов и проведение исследований по изучению их физических свойств. Результаты исследований, проведенных в этой области, являются одним из главных основ в создании наноматериалов, наноструктур и нового поколения электронных приборов и устройств.

Полупроводниковые силициды являются объектом исследования крупнейших мировых исследовательских центров. Благодаря высокой термической стабильности и стойкости к химическим обработкам, технологической совместимости с кремнием, практическое использование транспортных свойств полупроводниковых силицидов лежит в области термоэлектричества. В работе приборных структур на основе силицидов лежат электронные процессы, происходящие в тонких наноразмерных слоях при воздействии электронов, фотонов и прохождении тока. Поэтому разработка технологии формирования наноразмерных пленок силицидов бария и щелочных элементов на поверхности монокристаллов кремния, исследование их структуры и свойств, а также создание на их основе элементной базы для термоэлектрических преобразователей и других приборов функциональной электроники является **актуальной** проблемой физической электроники.

В Республики Узбекистан в области получения пленок силицидов и изучения их свойств достигнуты определенные успехи, в частности, в ТашГТУ получены нанопленки и нанокристаллы $CaSi_2$, Mg_2Si_3 и изучены их электронная структура и оптические свойства, в институте Ионно-плазменных и лазерных технологий получены нанопорошки кремния и исследованы их размеры и структура. В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан важно обратить особое внимание на разработку эффективных механизмов внедрения достижений научных исследований и на этой основе обеспечить конкурентоспособность национальных товаров на внутреннем и внешнем рынке. В этом плане, изучение электрофизических свойств пленок силицидов металлов позволяет создать новые материалы необходимые для приборостроения. В частности, создание функциональных элементов на основе силицидов способствует решению вопроса импортозамещения в данной области.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам указанных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП–4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП–2772 «О приоритетных направлениях развития электронной промышленности 2017-2021 годах» от

13 февраля 2017 года и № ПП–2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приорететным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан: III. «Энергетика, энерго- ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения» и ПФИ-2 «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение».

Степень изученности проблемы. В середине прошлого века с возникновением полупроводниковой электроники, начали бурно развиваться работы по исследованию влияния ионного легирования на электрофизические свойства полупроводников, создание *p-n*–переходов, диодных и транзисторных структур и т.д. Больших успехов в этом направлении достигли зарубежные ученые: Дж.Мейер, Лю Эриксон, Дж.Дэвис, Х.Рассел, И.Руге; российские ученые: Е.И.Зорин, П.В.Павлов, Д.И.Тетельбаум, А.Ф.Хохлов и ученые Узбекистана: В.П.Чирва, Б.М.Абдурахманов и др.

В настоящее время бурно развивается направление по созданию тонкопленочных структур на поверхности кремния. Причем преимущество отдается системам «пленка–подложка», имеющим близкие значения параметров кристаллической решетки и температурного коэффициента расширения. Например, хорошее структурное согласование Si, $CoSi_2$, CaF_2 и, следовательно, возможность эпитаксиального выращивания многослойных систем на основе различных комбинаций слоев данных материалов являются первой предпосылкой для создания приборных структур. Второй предпосылкой являются физические свойства фторидов щелочно-земельных металлов и дисилицида кобальта, позволяющих получать уникальные технические характеристики приборов. Существуют результаты по получению и исследованию свойств силицидов Ca_3Si_4, CaSi, MnSi, Mn_3Si_4, $CrSi_2$, $ReSi_{1,75}$, Ru_2Si_3, CoSi, $CoSi_2$. Такой интерес к получению тонких монокристаллических пленок указанных силицидов обусловлен отличными транспортными свойствами и высокой термоэлектрической эффективностью. Монокристаллические пленки CoSi, $CoSi_2$ выращенные на поверхности Si(111) и Si(100) в последние годы стали объектом внимания ученых всего мира, что связано с хорошей совместимостью их кристаллографических и тепловых характеристик. Однако нет аналогичных полных данных по силицидам 1 группы и бария, имеются лишь работы группы М.Нормурадова, А.Касымова, А.Рысбаева, Б.Умирзакова, А.Ташатова по исследованию влияния имплантации Ba^+ и щелочных элементов на эмиссионные и другие свойства поверхности Si, GaAs и других полупроводников. Однако

целенаправленных исследований по формированию тонких пленок силицидов Ba и щелочных элементов к настоящему времени практически не проводилось.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Работа выполнена в Ташкентском государственном техническом университете им. Ислама Каримова в рамках проектов научных-исследований ТГТУ: Ф-2-31 «Исследование структуры и физических свойств наноразмерных пленок силицидов металлов и разработка термочувствительных структур» (2012–2016); ОТ-А3-56 «Разработка неохлаждаемых высокоэффективных приемников теплового излучения и термоэлектрических преобразователей инфракрасного излучения на основе пленок высшего силицида марганца» (2017–2018).

Целью диссертационной работы является разработка технологии формирования тонких наноразмерных пленок силицидов Ba и щелочных элементов, исследование их структуры и электрофизических свойств.

Задачи исследования:

